“Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖда сайёр қабул ташкил этилди.

// 30.09.2024
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoatloyiha-azhda-sayyor-qabul-tashkil-etildi

2024-йилнинг 27-сентябр куни “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳаммадбобур Абдуразаков ҳамда “Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖ ёшлари билан Жамиятда сайёр қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулда Жамият фаолиятида ёшларнинг ўрни ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Улар учун муносиб шароитларни яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, салоҳиятли ходимларнинг малака ва тажрибасини ошириш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Ишчи-ходимлар сайёр қабул давомида ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди ва “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан бугунги бўлиб ўтган сайёр қабул бўйича “Йўл харита”сини ишлаб чиқиш топшириғИ берилди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати